

## ОДАМ БЎЛИШ ҚИЙИН

Роман

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШИ ТАХРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2007

### МУҚАДДИМА

*Осмондачи бўтирмай  
Бўлмамасанг на бўлмай?  
Гулчехранинг ҳалини  
Сўлмамасанг на бўлмай?  
(Албр)*

Шоҳ Муслим дунёдаги энг доно, энг одил подшоҳлардан эди. Унинг мамлакати гўзал, шаҳарлари обод, халқи тинч, фаровон турмуш кечирарди. Аммо подшоҳнинг фарзанди йўқ эди. Бу факатгина унинг ўзини эмас, бутун халқни ташвишга солиб қўйган эди. Орадан кўп йиллар ўтди. Подшоҳ қариб, бир оёғи ерда, бир оёғи гўрда турган пайтда фарзанд кўрди. Секингина ичига сиғмай қирқ кечаю қирқ кундуз халққа ош берди. Қирқ биринчи кунга эса етти нақлимдаги барча донни кетган одамлар, фозилу фузалар, олимлар уламоларини йиғиб ўғлини кўрсатди ва ўғил халқнинг одатига унинг келажagini айтиб беришни сўради.

Ҳамма жим. Ҳаммининг боши куйи солинган... Подшоҳ хайрон бўлди.

— Бу жимликнинг босми нима?

Яна ҳеч кимдан сазо чиқмади. Орадан янча вақт ўтди. Оғир сукунатни Суҳротдек кекса бир олим бузди.

— Шоҳим, рўпарангизда бош эгиб турганлар мендан ёш. Мен эса дунёга қачон келганимни унутганиман, дунёнинг барча ачченк-чучутини тотган одамман. Шуларнинг қонидан кечсангиз, мен айтий?

— Айт!

Шунда кекса олим деди:

— Ўғлингизнинг дунёда тенги бўлмайдди. На кучда, на ақлда. Икки ойлигизда икки ёшлик болаининг ишини қилади, икки ёшида эса йигирма ёшлик йиғитдай бўлади. Ун ёшида ўзини фиръавн эълон қилади. Унинг дастидан вайрон бўлмаган уй, мамлакат қолмайди. Шунинг учун ҳам умрининг иккинчи ярми пушаймонда, азобда ўтади.

— Жаллод! — юнқорди шунда шоҳ ва титласида ўйнаб ўтирган ўғлини бағрига босди. Қирқ кунлик бола бирдан отасининг соқолига чағ солиб, ярмини қилиб олди.

— Галимнинг биринчи неботи бу! — деди кекса олим.

Шоҳ кулоқ солмади. Олимни олиб чиқиб кетишди.

Орадан кўп йиллар ўтди. Шоҳ Муслим кекса олимнинг гапларини ҳам, ўғлини ҳам унутди. Шаҳзода олим қаромат қолгандек кун сайин, соғат сайин ўсиб, ўн ёшга тўлганда ажойиб йиғит

бўлди. Шох ҳам, ҳаяк ҳам унинг ҳуснига қараб, галларини шитиб тўйишмасди. Аммо шахзода ҳеч кимга нарво қилмас, ўт ақлига, ўт кучига маҳллэ эди, кўп вақтин отасининг тахтида ўтқазарди.

Бир кунн осмонн фалақини қора буяут қоплади. Каттик шамол турди. Бўрон бошланди. Сел на одамни аяди, на дов-дарактин! Бирпасди гуллаб турган мамлакатт вайрон бўлди. Шаҳарлар, далалар, тоғлар сув остида қолди. Бўрон тингач, шох ва шахзода ўзларини сувда қалқиб турган ёғоч устида кўрдилар. Ёғоч шундай ниғочка эдики, қимдир отғина қимирласа, ихкаловни ҳам ағдарилдиб ҳалок бўларди. Шахзода отасига деди:

— Ота, бу ёғоч устида ихкаламонн жон саклолмаймамиз. Сен менинг тутиляшимни истаяган эдинг. Энди кўйиб бер, мен яшашим керак.

Шундай деб шахзода отасини сувага итариб юборди. Шох ғарк бўлди.

Шахзода ўнга бир мамлакатга сузиб келиб, ўзини фиръавни эълон қилди. Унинг тулмайдан, унинг қаҳридан ярим халқ қочиб қутулди, ярим халқ ўлди. Мамлакатда фиръавнининг ўлганди бошқа ҳеч ким қолмади. У узоқ яшадн, аммо на тушда, на ўнгнда ҳаёт латағини сурди. Бутун умри ёлғизликда, яқоб-уқубатда ўтди.

Айтишларинча, бундай одамлар юз йилда бир тугилар ямиш...

## I

196... Яшнинг жазирама ёт кузларидан бирида Мнигбулоқда қираверишдаги оқ тунуқа томлан уйининг эангинни ёш бир йилгит таақиллатди. Олис йўл юргандинимен, ё носик қаттик твёнсир қолганиданмин унинг оқ батис кўйлагн курақларига ёпишиб қолган, ёваси ичидан бўйинига ташлаб олган рўмончмас жинжақ ҳўл эди.

Дам ўтмай у қафтлари билан асси пешанисини, бароқ қошлари аралаш ют-кўзларини арттарди. Ичкаридан ҳадегазда ҳеч ким чиқавермади, йилгит босўнликкай картон чамадонинни кўлига олиб, ташкин отғи билан итарди. Йилгит бўлган жинжикимадор тангори жинк «гнйк» этиб очилди. Йилгит ичкарига кирди. Уй томонн бавадд сўридан иборат бўлган чорси ҳовлида ҳеч ким кўришмасди. Ҳовлининг ўнг буюнидан ўтган гншт йўлка ёндаги гулжорга жылдираб сув оюиб турарди. Йилгит шу томонга қараб, ток тағига келди. Шунда у ровонда қонхалтага тирсақларини тираб тасбеҳ ўтириб ўтирган кампирга кўн тушди. Кампирнинг кўзлари юмук, вақин тортиб кетган ниғочка лаблари шамалариндир шивирларди.

— Буви, — деди секин йилгит уни чўчитиб юбормаслик учун.

Кампир кўзларини очди ва рўтарасида жылмайиб турган йилгитга тикилди. Кейин бирдан ўзини орқага ташлади-да, деди:

— Вой, ўла қолай! Абдуллавомисан?

— Мен...

Абдулла чамадонини ерга кўйиб, ровонга кўтарилди.

— Вой, бўйинига қояй! Вой, садаганг кетай! Сен келадиган кун ҳам бор жан-ку!

Кампир ёшига муносиб қолмаган эччиллик билан ўридан туриб, Абдуллани қучоқлай кетди.

— Вой, мен ўлай сени танймай! Индмай термидиб ўтирибман-а. Эсонмисан, омонмисан? Нечук, болам, нечук? Ўзинг келдингми? Ойинг, дадаг эсон-омонми?

Кампир янги кўрпача солиб, Абдуллани ўқатир жан, севиичи ичига сиғмай, шангиллаб гилларар. Абдулла ҳа жавоб берешга уягуролмай жылмаярди. У Мнигбулоқда бу гал ўзи келган эди. Мақтобин олтин медалъ билан битириб, отод кушдек бўлганн учун онаси ёлғит ўзини юборишга қаршиллик қилмади. Бир чамадон совга-салом юзиб бериб, жўнатди. Абдулла бувисининкига, умуман, шу қишлоққа келишни ялши кўрарди.

Қачонлардир Мнигбулоқ Қўхоннинг, қолаверса, бутун Фарғонанинг жиг гўвал

сайнегхларидан бири бўлган. Мингбулоқнинг марказидаёқ толқор тақа водийининг машхур юзгиччилари, шонир ва полковларини тўллаган, Қулочга сиғмайдиган толқор тағилдаги сулаларда ошхўрлар кунни кеч қилишган, шухрати бутун республикага тарқалган ашулачи, чолғувчиларининг ашула, машхларини эшитишган.

Олис йўлга отланган сайёҳлар ҳам Мингбулоқда тўхтаб, деширадан бир сиким ош қилиб об кетишма-са, кўнгиқллари жойига тушмасди. Машхур Юсуфжон қизининг ўз шогирди Оқунжон қизикча юзгичдан жойи ҳам шу Мингбулоқ бўлган. Тумонот одам ўшанда тараф-тараф бўлиб асқанини тўполонга айлаштирган экан. Буларни Абдулла кўрматган, даласидан эшитган. Уруш сабаб бўлиб Мингбулоқнинг файзи кетиб қолди. Бузилган ўчоқлар, чириб, намдан могор торитган сўрилар сершовонин толқор тақанинг ўзинини эслатади. Лекин хали ҳам бу жойларнинг кўрки, ҳисобинг қатта-кичик булоқлар, шоллари бир-биринга чирмайиб кетган баҳайбат толқорнинг шовур-шувури, мулкэс даво дикани равшан қилади. Абдулла деярли ҳар ёт икки-уч ҳафта ойиси билан келиб турарди. Аммо икки йилдан бери, отаси қасалга чялиниб ётиб қолганидан бери келмаган ва бувиёсини жуда соғинган эди. Қариб муноқиллаб қолган, қоп-қора бу кампирини у яқин кўрарди, соатлаб унинг галларини эшитарди, зерикмасди ва кўпичча унинг ёнида ётиб, ҳикояларини тинглаб, тоғи оттирарди.

Ҳождар буви ҳам неварасини яқин кўрарди. У келганда ўтқилгани жой тополмай қоларди, агар кўча-кўйда болалар билан ўйнаб, у ер-бу ери чақа бўлиб қайтса, жигибийронини чиқарди. Абдулла унинг яқини ағона невараси эди. У ўзи иккента фарғанда кўрган эди. Биттаси, Абдулланинг онаси Шаҳодат, иккинчиси, кенжаси Обид бўлиб, у шу ўгли билан турарди. Шаҳарга, юзиникига борганда, икки кундан ортик туролмас, шаҳар шовонин бошини огритарди, сиколарди. Буини устига у анчагина қарн бўлса ҳам, мустанжол ҳаёт кечиринини истарди. Ўғли билан туришига қарамай, ўз рўзгорини ўзи тебратарди ва кўпичча ўгли унга ёрдам бериши ўрнига, ўглининг қам-қўстларини у тўғридаб юрарди. Шундан бўлса керак, қим билан галлашмасин, ўзини мағрур тутар ва дастурхон атрофидаги жиг яқин дуоси: «Худо бировин бировга зор қилмасин!» эди.

Қишлоқдагилар уни «Отинибин» ё бўлмас «Завод ая» деб аташарди. Абдулла отинибин дейишларининг сабабинин биларди. Ҳождар буви анчагина ўқиманли аёл бўлиб, бир қачча кутубларин, дostonларин ёд биларди, ёшангизда Анбаротинга эргашиб, бир қачча гаваллар ҳам битган эди. Лекин у, инима учун «Завод ая» дейишларига тушунтолмасди. Қачонлардир нахтэ тоғлаш заводига янги келгилардан бири уни «Завод ая!» деб чақирган, шу-шу «Завод ая» бўлиб кетган.

— Фотихадан сўнг, Ҳождар буви дарров дастурхон ётди, бирпасда чой дамлаб келди-да, неварасининг ёнига ўтирди.

— Вой, Абдулла-ей, вой, болам-ей! Шундай қилиб, ўзим келдим дегин? Катта йигит бўлиб қилибсан, катта йигит! Даданг қалай?

— Раҳмат, тутуқлар. — деди Абдулла. — Қон босимлари анча тушган. Салом деб юбордилар.

— Саломат бўлсин. Бу қасал унга қандай юза қолди экан? Худо шифо берса, тузалиб кетар. Ўқушинг биттиким экди?

— Ҳа. Оптин медалъ билан тамомладим.

— Бўйинга қозий!

Улар анчагина галлашиб ўтиришди. Абдулла совғаларин топширди. Ҳождар буви кўнига ёш олиб дуо қилди.

— Тоғамгилар қани?

— Тоғанг балинсага кетган. — деди Ҳождар буви қилдайдир ташвиш билан. — Келин ойингининг кўзи ёрийдиган. Балмадим бу гал инима бўлар экан. — кампир огир хўрсинди. — Ҳар балданнинг бошида бир ташвиш бор экан-да, болам. Тўртта тугди, тўрттован ҳам уйга келмай

кято юлдан. Буникин эдин нима бўлар экан? Майли, ишқилиб, тоғашнинг бахтига ўзи омон бўлсин.

Орага жиньлик чўқди. Ҳожаар буви ўз Ҳаёлларига берилди, неварасини бир дажонка унутди. Кейин сесканиб, ўриндан турди.

— Эсим курсин, овадтта ушшамай ўтиришимни кара.

— Овора бўлмайт, буви, кориним тўқ.

— Овораси бор эканми? Ҳозир тоғаш ҳам келиб қолади. Сен бирпас чўзилгин. Мен дарров ош юлиб келаман. Бор, меннинг уйимга кир.

Ҳожаар буви пилдираб ўчоқ боши томонга кетди. Абдулла юншоққа келганидан курсидан бўлиб, ўриндан турди. Анча вақт довланинг ўртасидаги нашвати шохиди кукулаб турган мусичани, ўчоқ бошида гимирлаб юрган бувики, мўридан гўзаловнинг аччиқ хилини келтириб, буркисиб чиқаётган кўюмтир тутулини томоша юлди, кейин эсиаб ичкариги хоншага, бувикининг уйига кирди. Бу уйи у жуذا яхши билар ва яхши кўрарди.

Уй кенг ва чорси бўлиб, ҳамма девори тоғчалардан иборат эди. Тоғчаларга ҳар хил тусдаги катта-кичик кутичалар, хисобсиз коса, чойнак-пилдалар териб қўйилган эди. Тоғчалар ўртасидаги устулларнинг гаятак ўтказилган котикларида ҳар дони даъмомланган ва атир сенилган сочиклар осилган турарди. Одам кам кирган учуни, ё довланинг офтоб тушмайлиган жойида бўлган учуни, уй ёт бўли салоти турарди.

Абдулла муздак бежасам кўрпача устига чўзилди. Юншоқ пар ёстиқнинг райлон хилини эслатувчи ситил, ёқимли эдинг гул этиб димоғига урилди. Қўлларини ёйиб, кўзларини юмди. Ҳовлида эса мусича ҳамон кукулар, чарс-чарс ёиётган гўзалов овози унга қўшилди болати, оромбахш олдиг қасб этарди. Нытихон ташвишларидан кутулган, юраги минг хил ортулар, номъалум, амамо порлоқ келажак лавталари билан тўлган Абдулла ўзини нисхотда бахтли хис юлар ва мудраар экан, юзларида тибассум ўйнар эди.

Шу ахволда у қанча ётди, ухладими, ё фаскат мудрадимни, билмайдми, бир маҳал қувноқ, йўтон эркак овозини эшитиб, туриб кетди. Дераъа ёнига бориб, довланга қаради.

Ўчоқ боши олдига тоғаси оясиғи кучоқлаб, бақирарди:

— Ўғил, ойи! Ўғил! Тирик! Тирик!.. Абдулла отилиб довланга тушди.

— Ассалому алайкум, тоға.

Обид ака уян кўриб, оясиғи қўйиб юборди ва қаршига юрди.

— О жани-э! Боринсан?! Жуذا яхши келдингга. Маиа сен ҳам эдинг жиньлик бўлиб қолдинг!

— Табриклайман. — Абдулла тоғасининг қўлини сиқди.

— Ҳой, менга қара, ўзини кўрдингми? — ючқорди ошга собин босаётган Ҳожаар буви.

— Кўрдим. Қоп-қора бир жинь, — деди Обид ака юлиб.

— Навасингги совуқ килма! Қора бўлса, ўзиниғга ўллар экан-да.

— Кимга ўлшса ҳам боши омон бўлсин, ойи!

— Хузюё айтганинг келсин. Ҳой, Обид, самоварин янгила, ҳали замон ошми тайёр бўлади.

Обид ака севинчанди номовандир хиргойи юлиб, самовар қўя бошлади. Бирдан у қаддини ростлади ва ўчоқ бошига қараб бақирди:

— Ойи! Отини нима қўямэт?

— Қайлави? Ўзларинг биласанлар.

Ҳожаар бувининг шуздай дейишида жон бор эди. Бу уйда ҳамма нарса унинг итмида бўлиб, унинг айтгани-айтган, дегани-деган эди. Олдинги невараларининг ҳаммасига ҳам тугилмасдан исем қўйган, уйдагилар рози бўлишган эди. Лекин уларнинг биттаси ҳам турмади. Кампир қўйганда бушисига ўғил бўлса Тўхтагани, ё Турсун, юз бўлса Умриниқа қўйишни ниет қилиб қўйган эди. Амамо ҳозир қўйганини очтикс келмади. Чакшолоқларнинг турмаслиғига ўзини айбдор хис қилганидан ўзини бу гал четта тортди.

— Қайлави? Ўзларинг биласанлар, — деди у яна янча жиддий тусда.

— Бўлмас... — деди Обид ака Абдуллага кўз юзиб қўйиб. — Турсун бўлсин.

Ҳожаар буви ўчоқ бошидан чиқди. Унинг кўзлари жингов ёш эди.

— Айтганинг бўлсин... — деди ўпкаси тўлиб. — Омин! Неварамнинг умри узоқ бўлсин.

Боши тошдан бўлсин!..

Ҳожаар буви ёғлиқ кўзларини юзига суртди-да, енгининг учи билан нам кўзларини ардан. Абдулла кўз оддидан юз берган бу воқеадан севинишинин ҳам, севинмасинин ҳам билмай, қиккайиб туриб қолган эди. Обид ака буни седи шексизли, елкасини бир-икки қоқиб қўйиб:

— Мава, жонлик ҳам бўлиб қолдинг, — деди. Абдулла жилмайди.

Кўп ўтмай ҳовли кўни-қўшинига тўлиб кетди. Ҳамма шангилаб анги меҳмон билан тўриқлар, хазиллашар, бири олиб, бири қўйиб, қондайдир маслаҳатлар берарди.

— Завод ая! Энди пўлат сандиқни шамоллатадиган бўлдингиз-да? Бешик тўйи ўзи бўлмайди.

— Нима дейсанг ўзи! Завод аянинг пўлат сандиқларидаги бисот ўпта бешик тўйига стади.

— Бахона билан сарполлик бўлиб қоларканми?-да, Отинийи..

— Сенгарага гап бўлас! — деди ўчоқ бошидан қалғир кўтариб чиққан Ҳожаар буви. — Меннинг пўлат сандиқим билан нима ишларинг бор?

— Ўзингиз билан олиб кетмагиз деярликларда, — деди ёш бир жуван.

— Тилинг кесилсин, Буянибса! — деди жалди қилган бўлиб Ҳожаар буви — Сенга қимхоб қамтулимини атаб қўядим. Энди бериб бўлман! Неварамни уйлантираман деб юрибмангу хали?! — Ишюклиб айтганингиз келсин, Завод ая! Неварангизнинг боши тошдан бўлсин.

Яна анча шангилаб гаплашиб, тарқалишди. Гап билан бўлиб ош тағига олиб кетганини ҳеч қим сезмабди.

— Майли, эртага бошқа қилиб берарсиз, — деди Обид ака. — Биз жини билан бедана отиб келамиз. Нима дейсан, жон?

— Зур бўларди, — деди Абдулла севиниб. — Ҳеч бедана оинга бормаганман.

— Бўпти. Азонда уйготаман бўлмас.

Шу тун Абдулла алламақддигча Ҳаёл суриб ётди. У Мингбулоққа келганидан хурсанд, шунинг учун Ҳаёллари ҳам Мингбулоқдек тоза, шўх ва тиник эди.

## II

Обид ака ваздасига мувофиқ, гира-ширада Абдуллани уйготди.

— Борсанми?

— Бўлмасам-чи! — деди Абдулла кўзларини ниқалаб.

Шундай деди-ю, лекин тригочқидик билан ўрнидан турди. Ҳовлига тушганда, Обид ака эски шим-қўйлак, резинака тизик кишиб олиб, белига ўқдон боғлаб турарди.

— Аноавлар сенга, — деди у ровонга ишора қилиб. — Бедатор ҳошир нам, қийиништири расво қилсан.

Абдулла айна-тапиқ ювиниб, тоғаси тайёрлаб қўйган эски бир комбинезонни киёди. Комбинезон катта келиб, почалари осилиб турса ҳам унга ярашди. Бир пойининг тағи қўчган тизикни киёганда эса, тоғаси кулиб деди:

— Тракторчи бўлдинг қўйдим.

— Туттукми?

— Туттук бўлганда қандоқ!..

Ҳожаар буви кечани ошнинг гўштларини иккита нонга босиб, тўрвага солиб берди.

— Шу ерда еб ола қолайлик? — сўради Абдулла қорин очлигини сезиб.

— У ёқда еймаз. Бунинг ҳам ўзинга яраша гашти бўлади, — деди Обид ака. — Нима дединг?

— Майли.

— Ҳаял-лаб колманглар, Обид, — деди Ҳажар буян. — Заҳрога овақт олиб борсан-а. Ширгуруч қилиб қўяман.

— Ҳўн.

Улар йўлга тушинди. Эшикка етганда Обид ака:

— Тешавой! — деб чақирди.

Қаердандир кичкина олачинор, шалпангуюк ит пайла бўлиб, уларнинг олдига тушди.

— Қаердан олдингиз буян, тоға? — сўради Абдулла ита одамнинг исми берилганига хайрон бўлиб.

— Бир овчи ўртоғимдан олдим. Унинг ҳам оти Тешавой. Ит деса, ов деса ўзини томдан ташлайдн. Эўрга олдим. Бир ой элиниб юрдим. Охири берди.

Обид ака, ўша элиниб юрган куларни эсига туши шекилди, кулиб қўйди.

— Бир куни унга борсам, ҳовлида ўяштиб ўтирибди. Унда бир мас — тўртта. Тагин шунчаг итлар-ки, шерин тутиб кел десагн, тутиб мелади. Қўн бўлса қўн тўймаз экан-да. Буни пойлаб юриб, янги тутилганда ошанасиникидан ўтирлаб келган. Қўрқинму маҳкам ёпишиб олдим. Ўша куни ниди қўзини очган экан. Мен ҳам унга қўн яхшилик қилганиман-да, охири йўх дебледи. Қўлига олиб, тушутидан ўтди. Ит гингшиб қўлларини аяй бошлади. Яна элиниб кетмасин, деб секин гап бошладим. «Тешавой...» деганимни билдирди, ит тушушгани менга қилди. Николайгит кулиб юборди. «Майли, ола қол», деди итти менга узатиб. «Отини нима қўйдиз?» деб сўрадим, шоянб итти олар жанман. «Ҳотиер ўзинг қўйдизгит-ку, Тешавой-да», деди. Шу-шу Тешавой бўлиб кетди.

Ит ўзининг номини эшитиб, тўхтади-да, буйруқ кутгандек Обид акага ингичка қорв тушушгани чўзди.

— Бор, бор, сени чақирганим йўх, — деди Обид ака қўн билан йўлга ишора қилиб.

Тешавой кичкина оппоқ думини лнколатиб, олдинга чопиб кетди.

— Яхши ит чиқди, ҳароми, — деди Обид ака ҳавас билан унга қараб. — Ҳали яна ўзинг кўрсан.

Улар олмазор этагидан сўкмоқ йўлга бурилншганда, куёш тоғ ортидан элдигини мўралай бошлаган эди. Олма шохларидаги сарғая бошлаган япроқлар олтин тангалардек яроқларди.

Улар ннзи километрча юриб, қанал бўйига чиқдилн. Шу ерда қишлоқ тугаб, кенг экинзор бошланарди. Популарни қўтариб, етлаиб турган жўхориғзор, унинг ордаси кетганча пахтағзор эди. Обид ака жўхориғзорни айланиб ўтишганда:

— Келдик, — деди ва мнтингини сўксидан олди. Абдулла олдида бедаси ўрилган яхлит карта ястаниб турарди.

— Қанин, бирпас ўтирайликчи, хотир бошланди. — деди Обид ака сирли оҳангда.

Улар арик дабига омонатгина ўтиришди. Абдулла тоғаси нимани бошлангани, деди, тушулмади. Сўрашга эса уқлиб, бедазорга тикланди. Жимжит. Ҳеч қандай қушнинг овози эшитилмасди. Енгил шабада беданинг чучмал элдин димоққа уриб эсарди. Улар анча ўтиришди. Обид ака оёқлари орасида тилини осилтириб ётган Тешавойнинг бошини снлаб, худди Абдулладек бедазорга тиколарди. Аммо бедазор ҳамон тинч, унда бирон жонивор борлигидан асар йўх эди. Бир-икки марта чумчук гласи «гур» этиб кўтарннб, жўхориғзор ичиди гоғиб бўлди, холос. Абдулла эринки ва тоғасига ўтирилиб:

— Ҳеч нарса йўх-ку? — деди.

— Тисс! — деди Обид ака нимагадир кулок солиб. Шу топ қишлоқ томонда снғир мўради, кейин қаердандир яқин бир жойда нмавадир «тикс» эди. Яна нмавадир тақоқлади. Бақами, аллашарса бир-икки марта «гувак-гувак» деган товуш чнқарди. Обид ака Абдуллани туртиб, «жигит», деди. Абдулла шу сўзин эшитнши билан бир беданининг «пидилдию»лаб кетганини пайқади. Овоз жуда баланд ва тиник эди. Қўн ўтмай бедазорнинг ҳар чеккаснда беданалар сайрай бошлади. Абдулла қайси бирнга кулок солишнни бнсмлай қолди. У ёш боладек севишиб,

арик бўйлаб у ёқдан бу ёққа югурар, қаёқда бедана баландрок сайраса шу ёққа ўзини отарди.

— Бошлаймизми? — сўради Обид ака.

— Бирпас туринг.

Абдулла, ўлим хавфини сезмай, ўз овозидан завқланиб сайраётган беданаларга кулоқ солиш билан банд эди, у бу давоқанинг иложи борича ҷўштишини истарди.

— Кеч бўлиб кетади. Орқадан одам ўтиб қолиши мумкин. — деди Обид ака, лекин жойидан қўғалмади.

Беданаларнинг хори тингилдай бўлди. У ер-бу ердагина сийрак эшитилиб қоларди.

— Энди бошлаймиз!

Обид ака ўриқдан турди. Ит бир саараб ариқ ичидан чиқди-да, титқасигача ботиб, бедаяор ичига шўғилди. Беш метрча доира чигиб айлангач, эғасининг олдига келиб, тумшугини ҷўзди.

— Ол, — деди Обид ака қўзини олдига бигиги юзди.

Ит югуриб кетди. Обид ака бедандаги анча-му анча илгак осилган камарини тузатар экан, Абдуллани огоҳлантирди:

— Фақат орқадан юрасан, Елимга ҳам, олдига ҳам ўтма.

— Ҳўн, — деди Абдулла ҳўл бедаяорга қадам қўйиб. — Анча отамизми?

— Қанча керак?

— Беш-олтита отоларми? Обид ака кулди.

— Беш-олтита отиш мумкин. Жуда бўлмаса...

У галнинг тутатмади, «па» этган ўк товуши эшитилди. Абдулла нима бўлганини англаб етгунича, Тешавойнинг оғида бир қанотини силқитиб турган беданини кўрди. Ит қойил иш қилгандек, ўзидан масъуун бўлиб, думини лийқаллаттайча Обид акага тикилиб турарди.

— Опке! — деди Обид ака титқасига уриб.

Ит югуриб эғасининг олдига келди. Бедани ҳамон тирик эди. Қанотини силқитиб, қон тумшуги билан итнинг юзига уриларди. Обид ака уин итнинг оғисдан олди-ди, камариданги илгаклардан бирига бўйиндан илди. Осиллиб қолган бедани бир-икки силқоғиниб, тинчиди.

— Семиз экан, — деди Обид ака мийтиқини ўқлар экан. — Бу ҳам секинчи омаднинг.

Абдулла индамади. Биринчи марта овга чиқошин учунми, овининг бундай бўянанинн Ҳаёлга келтирмаган, отилган нарса ўша талоти ўлар, деб ўйлаган эди. У қўзини тоғасининг беллида лийқиллаб турган бедандан уюлмас, ўк тешиб мажмак бўлган тумшуги қўнғилин айлатарди. «Хотаргина сайраб туради, — ўйлади у бир-икки тушуриб... — Энди сайрамаган. Энди пати юлинадан, ювлиб, тоталаниб ошга босилади. Ким ер экан? Мен смайлими.»

— Қаёқда қолдинг? Юрмайсаними? — қичқирди Обид ака.

Абдулла ўзига келиб, тоғасининг анча илгариллаб кетганини, унинг олдига ит думини ҷўйиб, нимандир исхаб турганини кўрди. Овининг завқон баланд келиб, Абдулла хотаргина тилиб Ҳаёлидан ўтказган галларини унутди-да, итга тикилди. Тешавой бирпас тумшугини ҷўйиб турди, кейин сааради. Нимадир унинг олдига пир этиб кўтарилди. Шу талоти ўк утди. Қуш бир-икки қанот қочиб йиқилди. Ит у тушган жойга қараб югурди.

— Опке! — деди Обид ака яна титқасига уриб. Тешавой нимандир тишлаб, эғасининг қаршиқига югурди. Бу ҳам бедана эди. Лекин буинси ўк тегиниш билан ўлган, шуйинг учунми, ё иккинчи марта қўриб қўнқоқини, Абдулла жориканмади.

Қуёш тошқоқ устида одам бўйи кўтарилиб, ҷўтдек қўнғиш нуруларини соча бошлади. Қишнингдир қичқиргани, кейин мотор гуриллагани эшитилди. Олдий, дар дамгидек меҳнат ва завқ билан тўла анги қуш ўз ҳаётини бошлади. Алтақерда қўшиқ анграй бошлади. Радиоданми, ё қишлоқнинг ўзиданми — Абдулла ажрата олмади. Қўшиқ беданаларининг сайрашига қўшилиб, галаян, шу пайтгача у эшитмаган, гўзал оҳанг қасб этди. Овини унутиб, у шу атрофини тўлариб турган оҳангларга завқ билан кулоқ сола бошлади. Қўш ўтмай қўшиқ тинди, аммо бедаяор жа ҳамон қалдайдир сирди, аммо шўх, ўйноқ оҳанглар бистан тўла эди.

Яна ўқ узилди. Абдулла чўчиб кетди.

— Санаъсанми, нечта бўлди? — кичикрди Обид ака.

Абдулла унинг ёнига қолди. Обид ака Тешавойнинг оғиздан янги ўлжани олар экан, жонинга гурур билан қараб кўйди.

— Беш-олтита деддингми, боа?

— Ҳа. — деди Абдулла илгаклардаги бир текнида осилдиб турган бедиваларга тикилиб. — Лекин кўп оттанга ўхшайсиз...

— Ма, сана.

Обид ака камарини сочиб, кичкина бир тасмани олдида, илгакларини шунга ўтказди ва туғун юлиб, жонинга узатди.

— Бутун бедива кўп. Яна шунча отсак бўлади. Қани, ол, Тешавой!

У шундай деб олдинга югурган итнинг кетида Яўлга тушди. Абдулла ўлжаларни санади. Ҳа битта бўлибди! «Бирпасда-а!» — хайрон бўлди у ва фохр билан тоғасига тикилди.

Бедиторин иккинчи марта айланиб чиқишганда, ўлжанинг сонини ўн бештага етди. Обид аканинг хайфи чоғ эди.

— Қалай, ов тутуқми? — деди нонушта юлганин ўтиришганда.

— Эур. — жилмайди Абдулла.

— Аслида нанимни ташлаб овчиликка ўтиб кўя қолсам ҳам булар экан.

— Хали ҳам трактор хайдайсизми?

— Сал баландроқдан кел. Ҳамма тракторчиларнинг бошдигимиан хотир.

— Ўсибсиз-да. — деди Абдулла ништада билан гушт ер экан.

— Ўстанда қилдиқ! Ҳа йилда бригадир бўлдим, ани Ингирма йилдан кейин раис бўлсам ажаб эмас.

Иккови кулишди.

— Ишми яхши, — деди Обид ака бир олдани сўнг Тешавойга сувик ташлар экан, жондиги оҳида: — Жамовада ўттигта трактор бор. Қишини-ёни тинмайди. Топиш ҳам шунга қароб. Яқонда машина оламан. Келиннинг тутас, бола ўлмас, машинада бутун республикани айланиб чиқаман, деб ниҳат қилиб кўлган эдим. Бир ёни Арслонбоб, бир ёни Чимён... Ниҳатиништа стадионга ўхшайми. Ишми яхши-ю, ўқимадим-да, жон... — Обид ака хўрсиниб кўйди... — Урушдан қайтиб келганимда ўқимокчи эдим. Лекин бу фикрдан қайтдим. Қимматчилик, жамов хароб, қишлоқда доғри эркак қолмабди. Ўшанда раҳматлик Маннон ота раис эди. Сен уни кўрганимдин?

Абдулла «йў» дея бошини қимирлатди.

— Ажойиб одам эди. Ешлигида ордан йиқилиб, одғи синган ва умрбод чўлок бўлиб қолган. Шу ҳам кўймади. Ҳўш қочиб кетмайди. Ҳўқирсан ҳам, олим ҳам бўларсан. Лекин ука, — деди.

— Қишлоққа қара, битта ҳам бутун уй йўқ. Жамов бундан бешбиттар. Дехон одам буни тушунад. Қол ука, — деди қолдим. Кейин ништа берилиб кетиб ўқиб Ҳаёлимдан кўтарилди. Энди кеч. Энди ўқиб қабсов борардим? Сен нима қилмоқчисан? Нишлайсанми, ўқибсанми?

— Ҳўқийман, — деди Абдулла негадир уқлиб. — ТошДўнинг фитимига қирмоқчиман.

— Дуруст, — деди Обид ака. — Математикани яхши кўрасанми?

— Ҳа.

— Дуруст. Ҳўш, жонин, ўқ. Ойнингнинг сендан умиди қатта. Бор ниҳонгани сен. Даданг мана ётиб қолди. Ҳўзир қалай, дурустми?

— Тутуққай.

— Ниҳўқлиб туғалиб кетсини. Емон қасалга чалиниб қолди. Гипер... гим... Нима эди номи?

— Гипертония.

— Гипертония, — қайтарди Обид ака. — Оти қурсини. Узоқ йил қалганда янча яхши эди. Бир ҳафта турди чаманда ўшанда, а?

— Ха.

— У билан ҳам овга чиққан эдик. Ху амави ёқод. — Обид ака пахтазорнинг этак томонига ишора қилди. — Далаги, Тешавой мерган, мен. Далаги яхши отади. Адаммасам ўттиг-киркта бедана отувдик ўшвида. Кечкурун Булокбошида ош қилдик. Яримни ошга босдик. Яримни қубоб қилдик. Анча тутук эди далаги ўшвида.

Обид ака ўйлашиб қолди. Кейин чўнтагидан гинжаланиб кетган палпирос олиб, шошмасдан текислашди, тутатди.

— Далагини яхши кўраман. У менга жуда кўп яхшилик қилган, уйлантирган, тўйга ўзи бош бўлиб турган.

— Бормайсанми? — сўради Абдулла.

— Бораман. Кейинини қайтсин. Бир ўттиг-киркта бедана отиб олиб бораман.

— Мушкан эмас.

— Майли, эмаса ҳам кўнгли кўтарилади. Қани, турдиқми?

— Майли. — деди Абдулла кўзгалиб.

— Яна икки марта айланиб чиқамэн. Шу билан бўлди. Тешавой, юр!

Ит худди шу гални кутиб тургандек, бедазорга ташланди.

Энди Абдулла овга кўнжикан, ҳатто унга қиқиб ҳам қолганди. У тавак билан Тешавойнинг ҳаракатларини кузатар, ҳар ўх отилганда «Ура!» деб қичқирарди. Бедазорнинг орқосидagi арава йўлда тарвуз ортилаган автокачка кўринганда Обид ака овни тўхтатди. Абдулла қаршилик кўрсатмади.

Аравадagi йиғит Обид акани таниди шекилли, салом бериб:

— Қалай, ов тутуқми? — деб сўради.

Обид аканинг ўзинга Абдулла жавоб берди:

— Йиғирма бешта отдик, мана.

У гурур билан қўлдаги тасмага тизилган беданаларни кўрсатди. Аравакан қалласини лиқоллатиб:

— Қойил! — деб қўйди.

Кейин уни чақириб битта тарвуз утатди.

— Айтгандек, Обид ака, — қичқирди йиғит, — ўғил муборах бўлсин!

— Раҳмат.

— Булокбошида битта ош қилиб берсангда энди даянрадан! Бедана босиб!

— Ош селдан айлансин, Хомид. Қилиб бераман. Аравакан йўлга тушди. Абдулла тарвузин кўтариб, тоғасининг орқосидан юрди. Ариқ дубига етишганда:

— Чўлладик-ку, тарвузин шу ерда еб қўя қолайлик, — деди Обид ака. — Кўтариб юрасанми?

Улар экин жойга чордона қуришди. Обид ака буклама пичоғини тарвузининг думига шуңдай текоғиш билан ёрилиб кетди. Қип-юғил чинни тарвуз булок сувидек муҳдек ва ширин эди. Обид ака битта тилмани итнинг олдига қўйди. Абдулла итнинг тарвуз ейишини шуңдай кўрди. Тешавой думини лиқоллатиб ер экин, худди одамга ўхшаб дамагини ажратиб ташларан.

— Зўр-ку, — деди Абдулла хайрон бўлиб.

— Нима даясан! Уйда биз нима осак, бу ҳам шузи ейди...

Обид ака яна нималардир деб, итнинг мақтамоқчи эди, жўлортезор этагидан битта бедананинг жуда баалад сайраган овози эшитилиб қолди. Абдулла ҳалигача буғичалик ўтир ва тиник овозни эшитмаган эди. У-ху майли, Обид ака ҳам еб турган тарвузин оғзида қилиб, қулок сола бошлади. Бедана бир оҳангда «так-тарак, так-тарак» қилиб, оғзини дам олар, кейин бир йўла сикит-тўқит марта тароқларди. Бир неча марта шу қайтарилгач, Обид ака ўрнидан турди.

— Қайюк? — сўради Абдулла тоғасининг нима қилмоқчи эканини сезган бўлса ҳам.

У шу бедананинг отилишини истамас эди. Лекин Обид ака унга жавоб бермади. Этасининг

ҳаракатларини тушуниган ит жўҳориг'ор томон югуриб кетди.

— Тога, шуни отманг! — деди Абдулла унинг ораёсидан бўтилиб.

Обид ака эшитмади. Абдулла уларга бирпас қараб турди-да, кейин ўша ёққа югурди. Лекин у кеч қолган эди. Тешавой кийинчиденкиёки беданини топган, тушуги билан пишиллаб уни қўчиган эди. Абдулла беданининг сакраб кўтарилганини кўрди. Ўк овози жаранглади. Бедани патирлаб давда бир-ниҳи айлашди-да, жўҳори ичига шўнгиди. Ит унинг ораёсидан югурди. Шу пайт Абдулла жон ҳолатда ючқорди:

— Тога, итти чақиринг! Ўзим тутаман, Тешавой! Обид ака уни тушунди ва титасига уриб, итти чақирди. Тешавой истар-истамас тўхтаб, ораёсига қайтганда, Абдулла уларга етиб келди.

— Шуни отмасангиз бўларди, — деди у зарда билан.

— Ҳа, чакан бўлди, — ачишиб гапирди Обид ака. — Қанотига текканга ўқшайдан ўк, балки тузатарини.

Абдулла жўҳориг'ор ичига кириб, беданини юндра бошлади. У ариқдан бу ариққа ўтди, лекин бедана кўринмасди. Жўҳориг'орнинг уртасига келиб, повларин қайирди-да, олдинга тикилиб қаёққа боришини билмай туриб қолди. Олдинда бир одам кўрингандай бўлди. Абдулла бириккан ариқдан ўтиб, ахшлаб қаради. Ундан ўн ариқча нарида оқ қўйлақли, оқ дурра танғиб олган бир ёл чўққа тушиб довуқндаги араланган беданага тикилиб турарди. Абдулла унинг юзини кўрмади. Бедана тутылгандан ва унинг тириклигидан хурсанд бўлиб, аёлини ёнига борди.

— Ўлибдими?

— Ўлас сизга оғиранги тушаринди?

Аёл жакл билан шундай деди-да, Абдуллага қарамай хансирётган беданини оғизга олиб бориб тили билан ҳўллади. Абдулла қўнғирок оғиздан аёлиниг ёш киз жаклигини сездан. Аммо унинг қўпол жавобидан ранжиган бўлди.

— Шунча оттавларинг етмасмиди?! — деди юг яна бошини кўтармай.

— Мен ҳам шундай десдим, — Абдулла юзининг ёнига энгашди. Энгашди-ю, унга бир қараш билан ўтириб қолди. — Гулчедра?

— Вой, сизмқиндигиз? — киз ҳам уни таниб, бекхтебр бўш қўли билан элагини пастрок тортиб қўйди.

Никаловни бир давоққа жим қолишди. Қиз негадир уялиб бошини эгган, Абдулла жа оғзи очилиб, унга тикилиб қолган эди. Қизнинг бир-биринга туташ қалин қошларингача тушган жўҳори популарни жамалак бўлиб ёнишиб қолган оёпоқ дурраси, қилиқ қўли ва қичқина бурни устида осилиб турган бир тутам жингалак сочи, бир қаноти сониған беданага ачинганиданми, ё кутилмаган учрашудан уялганиданми титраб турган думалок лаблари уни лол қилиб қўйган эди. Никаловнинг назарида шу сукут ичнда ўтган бир давоққа узок бир советдек кўрина бошлаган бўлса ҳам, нима дейишларини билмай, жим ўтиришарди. Ниҳоят Абдулла бирон нарса дейишга қарор қилиб, йўталди. Кейин:

— Тузалиб истаримизми? — деди.

Қиз бирдан юзига қизиллик югуриб, Абдуллага кўз юрнини ташлади.

— Тузалади, бир қаноти сонибди, қолос. Кўрнинг. Қиз шундай деб, қафтда ёнбошлаб ётган беданини унга уягди. Бедани ҳаллослар ва қичқина кўзларини пирпиратиб, уларга алингашомуз тиколарди.

— Яхши сайраётганди, — деди Абдулла.

— Ҳа, — киз жонлашиб кетди. — Мен ҳам ишмин ташлаб қулоқ солиб ўтирувдим. Яхши сайраётувди.

— Нима қилаётган эдингиз?

— Жўҳори қайираётгандим, — киз ёндаги жўҳори солниған саватини кўрсатди. —

Дадимларга. Яхши кўрсатми?

Кыз укенинчираб бошини эди ва аял ювиге кызыллик югурди.

— Дадамлар яхши кўрадилар.

— Мен ҳам яхши кўраман. Жўхори кавоб ширин бўлади.

— Абдулла! Абдулла, хой! — чақирди Обид ака калал томондан.

Абдулла жавоб бермади, у жилмайганча Гулчехрага тикилиб, «яна нимга десам экан?» деб ўтирар, бу ердан кетишни истамасди.

— Тоғаниги чақиритдилар, — деди Гулчехра кўзгалиб ва беданаши уятди. — Олинг.

— Сизинки бу эди.

— Нега? — севингандек бўлиб сўради кыз.

— Сиз тандингиз, сизинки бу.

— Бўлмаса тузалганда қайтариб бераман. Абдулла кулди.

— Кетдикми? — сўради кыз.

— Майли.

Абдулла саватин кўтариб, кизини орақидан юрди. У инхоятда шод эди.

Жўхориюрдан чиқилганда, Обид ака кыял бўйида миллатига юзини тираб ўтирарди.

Уларни кўриб, бошини кўтарди.

— Муғча халладинг?

— Туттиш юйини бўлади, — деди Абдулла Гулчехрага кўз юринини ташлаб.

— Тирикми ишқилиб? — хавотирланиб сўради Обид ака.

— Бир қаноти синибди, — деди Гулчехра.

— Тузатмоқчи, — деди Абдулла унга ишора қилиб.

— Ха, хуруст.

Улар йўлга тушишди. Обид ака олданда, Абдулла билан Гулчехра орақда. Анчагача жим боришди. Қишлоққа яқинлашганда Гулчехра сирли олданда деди:

— Айтгандай, табриклавман.

— Нима билан! — хайрон бўлиб сўради Абдулла.

— Медаль билан. Абдулла жилмайди.

— Раҳмат. Қасрдан билдингиз?

— Бутун юшлюк биланди, — деди кыз ҳам жилмайиб. У жуда чиройли жилмаварди. Абдулла уни семай, бенхтиёр унга тикилиб қолди.

— Мен келдим, — деди Гулчехра кўпринкча етишганда.

Абдулла кўлидаги саватин унга узатди.

— Сизин қачон табриклавман?

— Табриклавингиз мумкин. Мен ҳам битирдим.

— Нахотки? — Абдулла уқиб кетди. — Кечирасиз, жимдан чиқибди. Анча бўлди кўришмаганингизга.

— Ники йил, — деди Гулчехра унга галати қараб. — Унуттишингиз табий.

— Кечирасиз.

— Хечюиси йўх. Эртага инфатимиз бор. Келинг.

— Раҳмат.

Гулчехра кўпринк ёнидаги дарвоза томон йўл олди. У бир кўлида ингичка белига тиралган сават, бир кўлида бедана кўтарганича енгил чувагини шавиллатиб кетар экан. Абдулла узоқ вақт кетидан қараб қолди.

### III

«Ўзгариб кетибди, — ўйларди Абдулла уйга қайтар экан. — Жуда ўзгариб кетибди. Нахотки ники йил ичиде шуздай ўзгарини мумкин бўлса? Илгарини қол-қора қолтирик бир кыз эди. Энди-

Абдулла шундай 5йлар жан, Гулчехра билан, чиройли, келинган юз билан танишлтигдан мамун бўлиб кўйди. «Нима деди? Ҳа, «Икки йил, унутганингиз табний», деди. Демак, у Абдуллани унутмабди. Бўлмаса кўришмаганини хисоблаб юрармиди?!»

Абдулла жилмайди. Болалиги, Гулчехра билан бўлган давлари кўз олдидан ўта бошлади.

У бу юзган ағчадан бери ташир эди. Кишлокда улар юрмаган сўюк, улар килмаган шўхлик калмаган. Гулчехранинг отаси Обид ахсининг калин ўртоғи бўлиб, ёшлиқдан бирга ўсишган, дяттоки икки йилча уруш даврида бир юксда хизмат килишган эди. Абдулланинг билншнча, Юсуф ака йнгитлик чоғлари ағчагина шўх бўлиб, у бор жойда жоғжал чикиши табний жан. Лекин урушдан кейин юшлогига кайтгач, ўзгариб кетди. Фронт уни шундай килиб кўйдики, ё бола-чака ташаниш кўпайлиб, кўйилиб калдики, дарҳолда, у жуда мўмини-кобила бўлиб калди. Ялши ишлади. Бундан беш-олти йил мукадама унинг бригадаси пахтачиликдан юксак кўрсаткичларга эришгани учун унга Кахрамон унвони берилди.

Гулчехра Юсуф ахсининг тўнгич фарзанди бўлиб, болалигида худди отасига ўлашган шўх эди. Девран дар кунин уйига у ер-бу ери чака бўлиб кайтарди. Отаеси уришар, Юсуф ака эса фахрланарди. Отасининг уришмаслигини яхши билган Гулчехра баттар шўхлик юстар, кўпинча ўйинчарокликда ўтиб болаларин оркада калдириб кетарди.

Абдулланинг хали-хали энда, юшлогда уруш йиллари Дадавой амаки деган бир одам яшарди. Кайкдан келиб калди бу ерга, нима иш юлади, ҳеч ким билмасди. Эрта саҳарда уйдан чикиб кетиб, ярим кечда кайтарди. Доми бир хил куйинарди, тўтрироғи, титталари ямок калта шими ва жазирама ёт куйлари ҳам бошидан тушмайдиган учин найза солдатча калпоғидан бошига унинг ҳеч нарсаи йўк эди. У кишлок даятига аралашмас, одамларга кўчилямас, лекин негадир унинг юмини хўрмак билан тизга олишарди. Нима учун шундай — болалар бунин билншмасди. Унинг камгайлнгидаким, ё саломга алик олмаганидаким, болалар уни кушляшмасди. дятто улдан чўчишарди.

Бир кунин унинг лой томга бир бургут пайлао бўлиб калди. Абдулла ўшанда ётги кинкулга келган эди. Гулчехра уни ставлаб, Дадавой амакиннинг уйига олиб борди.

— Кўрясанми? — деди лой томга ишора килиб.

Абдулла аявал ҳеч нарсаин пайкамади. Кейин мўрнининг ёнида букчайлиб турган бир нарсага кўзи тушди.

— Нима?

— Бургут! — деди Гулчехра овозини пасайтириб. — Кеча кўриб калдим. Билмадим, амаки кайкдан олиб калдиюки? Ҳозир яхшиляб кўрсатаман.

Гулчехра кўчанинги нариги бетига ўтиб, бургутга кесак отди. Бургут сесканиб тушдугини чўхди. Кейин алагилаб втрофга карали-да, битта-битта кадам ташлаб мўрнининг оркасига ўтди. Унинг бир оёғига ташжир боғланган эди.

— Амаки бунин нима юстар экан?

— Кайдам? — деди Гулчехра. — Балки уйига пойлокчин юклиб кўйгалдири.

— Бургут уй пойлайдики? — хайрон бўдан Абдулла.

— Нега пойламас жан? Ит пойлайди-ку?!

— Ит бошига гал.

— Билсанг, бургут итдан ҳам тўр.

Улар ағчагача кўчанинги четига томга тиклиб ўтиришди. Амамо бургут жойидан кинирламади.

— Билсанми, — деди Гулчехра бир махал. — Бечорага раҳимин килиб кетяпти.

— Нега?

— Оч бўлса керак. Амаки кун бўйин уйида бўлмайди.

— Кел, ул-бул берамиз, — таклиф юлди Абдулла.

— Нима кураманг? — Гулчехра хўрсинди. — Бургут ҳам гўшт ейди-ку!

— Нима кўлибди? Биз ҳам ҳам гўшт бераманг.

— Каердан оламанг? Бизда бўлганда ойнам аъвакочон омак юларанлар.

Иккалови ўйлашиб қолди. Лекин қанча ўйлашмасин, гўшт топишнинг эини қўлишолмади.

— Нон эмасмики? — сўради бир маҳал Гулчехра умида билан. — Бизда зогора нон бор, бир халта!

— Билмадим. Кел, бериб кўраманг.

Қўп ўтмай иккалови Гулчехра уйдан ўтирлаб келган битта зогора нонини Далавой амакиннинг томига отишди. Амамо бургут уларнинг меҳрибончилигига парво қилмади, ҳатто жойидан ҳам юмюрламади.

— Зогора эмас экан, — деди Абдулла.

Гулчехра илдмади. Унинг ноҳала кўзи жонив ёш эди.

— Нега йнглайсан? — сўради Абдулла.

— Нега смайди?! Оч қолса майлими?! — Гулчехра ўзини туюлмай йнглаб юборди.

— Тўхта, — деди Абдулла. — Йнгламагин. Бир иш қиламанг...

— Қанақа иш? — кўзларини ниҳайиб сўради Гулчехра.

— Амакн келишнинг пойлаймиг. Қани у нима бераманг?

— Бўпти! — деди Гулчехра севиниб.

Улар ўша кунин алламадалагача Далавой амакннинг ўйлини пойлаб ўтиришди. Ниҳоят у келди. Бошлар унинг қўлида қатта сумка кўришди. Ичкарига кирганда эса, кўча эшикдан утин кузатишди.

Далавой амакн жингирок ёкиб, томга кўтарилди. Нималардир деб гапирди, болалар йнглашмади. Кейин бургутини оёғидан тортиб, қўлтиқлади-да, пастга тушди. Жингирокни довланинг ўртасига қўйиб, сулакисини ерга ағдарди ва бургутини қўйиб юборди. Бургут ерда тўқилиб ётган қора нарсалар атрофида бир-икки айланиб, чўқоқлай бошлади. Далавой амакн занжирини утун қўйиб юборганча унинг харахитларига тикилиб ўтирди-да, шивирлаб:

— Жавр бўлди сенга, жонивор, жавр бўлди, — деди.

— Гўшт беришти, — деди секин Абдулла Гулчехранинг қулогига.

Гулчехра бошини юмюрлапти.

Далавой амакн бургутини томга олиб чиқиб қўйганда улар кетишди. Лекин ноҳаласи ҳам тун бўйи бургутини ўйлаб чиқошди. Эрталаб эса яна шу ерга келишди. Бургут кечагидек мўрнинг бинда бурчайиб турарди.

— Нега жавр бўлди, деди? Билдингми? — сўради Гулчехра.

— Йўқ.

— Унда ҳам гўшт йўқ. Шунинг учун жавр бўлди деди, — тушунирдан Гулчехра.

— Билмадим.

— Билмадим эмас, ваник, — деди Гулчехра, кейин Абдуллани туртди. — Қўйиб юбормаймигани утин?

Абдулла бу гаждан чўчиб тушди.

— Амакн дод деб юборди.

— Билиб ўтирайдимми? — деди Гулчехра. — Бечора бунақада ўлиб қолади. Бўшаптиб юбораманг.

— Ҳозирми? — ниҳайиб сўради Абдулла.

— Коронги тушганда.

— Майли.

Кечкурун улар джвордан ошиб, Далавой амакннинг довлисига тушишди. Айвоннинг бурчигидаги устун қознига утун занжир осилиб турарди. Унинг ярни қознига ўралган бўлиб,

ярми томга бургутнинг оёғига боғланган эди. Абдулла залжорен етди ва бир-икки сўзлаб торди. Бургут томининг экинига яқинлашди, лекин учинини Ҳаёлига ҳам келтирмади.

— Оёғидан бўшатини керак, — деди Гулчехра.

— Қандай қилиб? Чўкиб олсанчи?

— Устига қоп ташлаймиш.

Улар томга чиқошди. Залжор бургутнинг оёғига омонатчица қилиб қўйилган экан, ечини қийин бўлмади. Ечиб бўлиб, залжорни доғлига ташлашганда эса, ку-тилмаган воқеа юз берди. Бургут учмади. Аксинча, томдан тушишга тайинла уларнинг кетида юриб, навронга яқинлашганда тўхтади-да, яна хурлайиб, бошини қанотлари орасига яширди.

— Учмаяпти-ку? — ҳайрон бўлди Абдулла.

— Ҳайдаш керак, — деди Гулчехра.

У шундай деб дасвор орқали томга кўтаришди ва утун бир таёқ билан бургутни ҳайдай бошлади. Аммо бургут жойидан қимирламади. Бир гал Гулчехра уни қаттиқ итариб юборди шексизли, бургут гандирақлаб қанотларини ёйди ва ўзини тўтолмай қовлига секин учиб тушди. Шунда болалар унинг қанотлари юриқлигинини кўришди ва қолган ишларидан кўрқиб кетишди. Бургут эса айвон олдига савлат билан бир-икки айланиб, кеча овақт еган жойига борди-да, яна бук-чайиб тузашугини қаноти ичига яширди.

— Нима юзаяпти эди? — сўради Гулчехра. Абдулла биринчи марта унинг чўчиганини сўзди.

Лекин нима деб жавоб бериши мумкин? У ҳам Гулчехрадек нима қилишини билмасди. Шунинг учун сўхларини юзди. Болалар алча вақт бургутга терилтиб, ўйлашди. Лекин иккаловининг Ҳаёлига ҳеч қандай фикр келмади. Ниҳоят бўйлашиб остонага ўтиришди.

— Яхши ҳам бошқа болалар билншмади, — деди Гулчехра кўрсиниб. — Билишганда, биттаси эмас, биттаси айтиб кўярди.

— Ҳа, — рози бўлди Абдулла, — роса тўқолон бўларди.

— Мен амакидан кўркаман. Қўзи ёмон. Гулчехра Дадавой амакининг кўзларини кўрсатмоқчи бўлиб, олайди, ўшшата олмади. Абдулла кулиб юборди.

— Нега куласан?

— Амаки кўзларини ҳеч шунча олайтирмайди, — деди Абдулла. — Унинг кўзлари дони бир қил — совуқ.

— Олади! — деди Гулчехра ўзиникини мўъжулаб.

— Олаймайди.

— Олади!

— Хўп, секин мўъжу. Менга қара, — деди Абдулла у билан тортишини фойдавсизлигини тушуниб. — яхшики кетайлик. Амаки келиб қолса иккаловининг ҳам соғ қўймайди. Нима дединг?

Бу гал Гулчехрага мўъжул тушди. Улар ўриқларидан туриб эшик томон йўл олишди. Лекин қани беш қадам ҳам юрмаган эдиларини, бургут уларнинг кетида юрди. Абдулла эшикни очини ўринга қовлининг орқа томонига қочди. Гулчехра ҳам унинг кетида югурди. Бургут улардан бир қадам орқада қолмасди, улар тўхтавса тўхтар, қочса чопарди. Яна айвонга қайтиб келишганда Гулчехра ўзини тўтолмай йиллаб юборди.

— Энди нима юзаяпти?

Абдулла илданади. Уни ҳам кўрқув босган эди. Шу алфозда улар қанча туришди, билншмайди, бир маҳал кўча эшик гирчиллаб очилиб, Дадавой амикни кириб келди. Қўлдан ҳар доимгидек катта сумка, бошида учини найза қалпоғи. У айвонга яқинлашганда болаларни кўриб қолди.

— Кимсанлар?

Болалар илданади. Иккалови ҳам совуқ еган одамдек қилт-қилт қиларди.

Улардан сазо чинамакча, Дадавой амаки айваонга кўтарилдиб жинчироккин ёкди.

— Ҳа, — деди у Гулчехрага чироккин тутиб. — Юсуфнинг қилмишига! Бу бола ким?

Гулчехра жавоб берди ўринга Инглай бошлади.

— Нега Инглайсан? Қандай юриб қолдиларнинг бу ерга?

Яна нисқоловдан сазо чинамади.

— Майли, гапирмасаларнинг гапирмаларинг, — деди Дадавой амаки сўмқасини кўтариб. — Мен ҳам билигимда йўқ эдим. Қўшиқларнинг на девори, на томи қолган меҳдан.

У шундай деб, ҳовлига тушди-ю, шумшайиб турган бургутни кўриб қолди.

— Мана бу ишларнинг чакки бўлти. — деди у ҳамма нарсага тушуниб. — Кўр одам ҳассосит юролмайди. Бу бургут ҳам кўр, ҳам қари. На уча олади, на кўра олади. Бир чўпон ўртоғим урушга кетаётганда менга тошарди: сенда турсин, менга кўп ахшилик юлди, қаринганда хор бўлмасин, деди. Икки йилдан бери мен боқиб юрибман. Бу ишларнинг чакки бўлибди.

— Эндан тегмаймиг, амаки, — деди йилги араташ Гулчехра.

— Ишонаман, ютким, ишонаман, — деди амаки. Битни уришдан деб кўркан болалар, ўша кунги жуذا тиниб уйларига қайтишди. «Яқин одам экан-ку, амаки!» ўйларди ичда Абдулла. Лекин бир hafta ўтар-ўтмас у йўқ бўлиб қолди. У ҳам, бургут ҳам. Унинг қайқа кетганининг уюк вақтгача ҳеч ким билмади. Уруш тугагандан сўнг жа унинг Украинда қаҳрамонларча ҳалок бўлгани ҳақида хабар келди. Ушанда ҳам ёз бўлиб, Абдулла қаниқулга келган эди. Бу хабарни эшитиб, Гулчехра нисқолови анча қайгуришди. Мана шу воқеа, ким билди, нима учундир Абдулланинг Ҳаёдан сира кўтарилмасди.

Ҳозир ҳам у секин қанал бўйлаб уй томон борар экан, шу воқеа барча кичиркирлари билан унинг кўз олдига намоён бўлган эди. Уша пайтлари Гулчехра ўтил болалардан фарқ қилмасди. Энди-чи? Энди у бутуллаш бошқача бўлиб кетибди. Илгариги шўхликлари, югуриб-елишлари қани? Шундай ўйлар экан, Абдулла қайси бир йилги (ўшанда еттинчи синфда бўлишса керак) жамоа режани бажариб, тўй қилиб берганда, бирга от минниганини эслади. Ҳа, Гулчехра ўшандаёқ бошқача бўлиб қолган эди. Улар қанал бўйлаб боришар экан, Абдулла унинг елкасига кўларини кўйганда ўзини тортган ва шу билан қатта бўлиб қолганини билдирган эди.

Анча сайр юлишди. Кейин қайси бир бригаданинг ҳовут бўйига қурилган шийпонда Ҳаё суринди. Шийпонда улардан бошқа ҳеч ким йўқ, ҳамма ҳўжалик боғидаги тўйда, дала жимжит эди. Гулчехра тирсақларини шийпон пажақасига тираб, ҳовузма терингагача ўтирарди.

— Ўйлаганим? — сўради Абдулла.

— Ҳа, — деди секингина Гулчехра. — Ким бўлишимнинг ўйлаётман.

Абдулла қудди.

— Ким бўлар эканми?

— Сен олим бўласан.

— Олим? — хайрон бўлди Абдулла.

— Ҳа, сен олим бўласан. Катта палка тутиб, кўзойнак тақиб юрасан.

— Қўйсанг-чи! — ичда севикс ҳам, зарда қилди Абдулла.

— Йўқ, рост, кўриб турибман.

— Унинг-чи? Унинг ким бўласан?

— Меними? — Гулчехра ўйлаиб қолди. — Мен... мен меъмор бўламан.

— Ух-ҳў, — деди Абдулла, — жуذا баянда кетдинг-ку!

— Нимаси баянд? Сен олим бўлганинда, мен меъмор бўлолмайманми? Ҳарҳолда шунга ўйяман. Чиройли уйлар қураман, шаҳар қураман. Балки Мингбулок меъмори бўларман...

— Кишланинг ҳам меъмори бўлар эканми?

— Нега бўлмас экан? Ҳозир бўлмас, кейин бўлар. Ушанда баянд-баянд, чиройли уйлар қураман. Кейинчи... Кейин...

Гулчехра кейин нима қилишини айтолмади.

— Мен ким бўлишимни ҳали билмайман. — деди Абдулла. — Далам, хотир ўнқилдан бошқа нарсадан ўйлама, дейдилар.

— Мен бўлсам, кўп ўйлайман. Бир — шифокор бўлгнм келади, бир — муҳандис. Хотир ниди меймор бўлгнм келяпти. Нима дейсан, қайси бири яхши экан-?

— Ҳаммаси ҳам яхши бўлса керак, — деди Абдулла иккиланиб. — Яхши бўлмаса одамларнинг ҳаммаси ё шифокор, ё муҳандис бўларди. Бошқа ишни тавламансди. — Бу фикр ўзинга миявул келди шекилли, катъий қилиб қўшиб қўйд: — Ҳаммаси ҳам яхши.

Гулчехра нидамади, ёни яна ўз Ҳаёлларига бери-либ, уни эшитмади.

«Хотир у ким бўлмоқчи экан?» — ўйлади Абдулла. Шу пайт кимдир уни туртди.

— Салом!

Абдулла бошини кўтарди. Рўпарасида ўзи тенги никонга йиғит турарди. Абдулла уларни таниди. Бир — Қосимжон, никончиси — Самад эди.

— Ҳаёл суриб қолибсан? — деди Қосимжон қўлини узатиб.

— Овга чиқувдиз. — деди Абдулла йиғитлар билан кўришар экан. — Яхшимисизлар?

— Раҳмат. — Қосимжон қўлидаги тавбурга ишора қилиб, деди: — Мақтабин тугатдиз.

Кечкурун эиёфат. Репетицияга кетяпмиз.

— Сен ҳам битирдинг шекилли? — сўради никончи йиғит.

— Ҳа. — деди Абдулла.

— Яхши битирдингми?

— Емон эмас, — Абдулла олтин медаль олганини айтишга уқди. — Уларнинг-чи?

— Биз ҳам шу. — деди Қосимжон. — Қачон келдинг?

— Кеча.

— Ҳали шу ердимсан?

— Ҳа.

— Бўлмаса кечкурун мақтабга кел. Бир айраимиз, кўпми?

— Майли. — деди Абдулла Гулчехранинг ҳам таклиф қилганини эслаб.

— Эиёфат тўр бўлади. — гагга аравашди никончи йиғит. — Раиснинг ўзи қилиб берапти.

— Зўр-ку. — деди жилмайиб Абдулла.

— Зўр бўлганга қандок! Хўжаликка кадрлар керак. Биз тайёр кадр. Эиёфат шунга қарабда.

Учалови кулишди.

— Келгин-а, албатта! — деди Қосимжон ўртоғини қўятиқлаб. — Ҳайрлашмаймиз.

Йиғитлар кетишди. Абдулла уйга кирганга Ҳождар буви водопровод тагига чордонга куриб, бедана тот-лаб ўтирарди.

— Қайсиз қолиб кетдинг, болам! — деди у неварасини кўриб.

— Ўртоқларимни кўриб қолдим.

— Тоғани келинбойнингнинг олдинга кетди. Тушаникка келади. Яхшилаб ош қилиб бераман. Болам-ей, бо-лам-ей, қолгани кутлут болам-ей! Корнинг ҳам очгилдир?

Кампир яна нималардир деб, ўчоқ бошига кетди. Абдулла у олиб келган ширгуруччи тизманинг ер :>кни, кўз олдидан сават кўтарган Гулчехра кетмас :>ди. «Яхши юз бўлибди. — ўйларди у. — жудавм яхши юз. Беш-олти кун қоламан юншолокди». У шу фикрга келиб жилмайди-да, юмшоқ пар ёстиққа ёишолади. Шу пайт у бир болаининг «Буви!» деб чақирганини эшитди.

— Кела қол, нима дейсан? — деди кампир. Бола нимадир деди.

— Ана, айвонга бора қол, айвонда ўтирибди. — деди.

— «Ким экан?» — ўйлади Абдулла ва қовлига қаради.

Юнига жўҳори донларини ёишган беш-олти ашар қоп-қора бола сочиникга ўралган бир нарса кўтариб келарди. Нарса исик бўлса керак, ҳу-ҳулаб дам у қўлига, дам бу қўлига оларди. Остонага етганга у деди:

- Абдулла ама сизаманси?
- Ҳа, нима эди? — сўради Абдулла.
- Маванин ошай бердила.
- Нима бу?
- Жўхойи. Иссиқ.

Бола шундай деб сочинди ёниб юборди. Уч-тўртта юп-юпил килиб пиширилган жўхори кингиз устинга думалаб кетди.

Абдулла «рахмат» деб улуғурмай, бола худди биров қувғилдек, қочиб кетди. «Гулчехра!» — ўйлади Абдулла юзига таъассум югуриб ва қўяни қўяндиралган даражада иссиқ жўхоридан олиб ташлади. Унга шу пайтгача қўрда пишган жўхори булчалик ширин туюлмаган эди.

#### IV

Кечкурун у мактабга келганда, кечанинг таянган-ян қисми тутаб, ўйин-кулги аявога чиққан эди. Қосимжон ҳовлининг ўртасида туриб олиб, ваъжонлик қолар, лекин ҳеч ким унга қулоқ солмас эди. Ҳаммаининг кўзи утун столнинг бурчагида дуторга жўр бўлиб қўшиқ айтаётган юзга эди. Абдулла ҳам бенхтиёр тўхтаб қулоқ сола бошлади. Қиз ҳар тўртликни айтиб бўлганда шўх кулги кўтарилар, лекин Абдулла унинг нима айтаётганини англай олмади. Қиз беш-олтита тўртликни айтиб бўлгач, гулдаурок қарсақ кўтарилади. Қосимжон, менга чалишяпти, деб ўйлади шеккили, таянганча ваъжга қўлларини кўксига қўйиб, миянатдорчилик билдирди ва шу топ Абдуллани кўриб қолди.

— Э, келардингиз-да, ўртоқ медалист? — деди у баланд овоз билан.

У хаялвашганим, ё киноя қилдим, Абдулла англамади, унинг икки кўзи ҳовлига гир айлантириб қўйилган стол атрафидаги одамларга эди. У Гулчехрани ахтарарди.

— Ўртоқлар! Бир даққа диққат! — қичқирди Қосимжон. — Бизнинг кечанимиз Париждан, 7 кечира-сизлар. Тошкентдан ўртоқ Абдулла Шарипов ташриф буюрдилар.

Беш-олти жойдан қарсақ кўтарилади. Қосимжон га-пида давом этди:

— Ўртоқ Шарипов сиз-бизга ўхшаган оқдний одам эмас. У янши мактабин олтин медаль билан тамоқладилар. Ура, ўртоқлар!

Абдулла бу гапдан насаби қотиб, ўзини четга ол-моқчи бўлди, лекин Қосимжон уни қўлдан маҳкам ушлаганича, дастурхоннинг тўрига тортди. Абдулла унинг кайфи борлигини пайқаб, қаршилик қилмади ва у кўрсатган жойга бориб ўтирди. Нетадир ҳеч қерда Гулчехра кўринмасди. «Келмадиммикин? — ўйлади ха-вотирланиб Абдулла. — Агар келмаган бўлса, бирпас ўтириб кетаман».

— Ҳафа бўлма, — деди қоёқдандир унинг ёнида пайдо бўлиб қолган Самад. — Биринчи ичиш...

— Зарари йўқ, — деди жонмайишга ҳаракат қилиб

Абдулла,

— Кечани ўзинизга қўйиб беришди. Аттестат топширилгандан кейин ҳамма катталар кетди. — деди Самад. — Директоримиз яқин одам, шунинг талаб қилди.

— Қосагул! — қичқирди шу топ янш Қосимжон уч

марта қарс уриб. — Май!

Кимдир Абдулланинг олдинга очилмаган «Шамшанс-қоё» келтириб қўйди.

— Озгина ич, — деди Самад. — Ҳарқолда муста-қил бўлдиқ энди.

— Майли. Оч.

— Паколлаватимизми? Абдулла скарларини қисди.

— Иктиёринг.

Самад ишша қопқоғини яринга кўтарган эди, ша-роб отилиб, дастурхонга тўхалиб кетди.

